Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

13 сентябрь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 192 (1709)

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Теннис ўйинидан сўнг мени табриклаганингиз, сизнинг менга бу қадар катта эътибор ва муносабат кўрсатганингиздан кўнглим тоғдай кўтарилди. Чунки, ҳаётимда биринчи марта буюк давлат Президенти менга бунчалар эътибор бериб, самимий сўзлар айтди. Бунинг учун сизга катта раҳмат!

Ўзбекистон халқининг ўз раҳбарини нечоғлиқ яхши кўриши, қўллаб-қувватлаши ҳам мени ҳайратга солди. Бу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда самимий учрашув бўлди.

Сизга бахт-саодат, баҳодирона сиҳат-саломатлик, машаққатли ва олижаноб ишингизда янги-янги ютуқлар, давлатингизга равнақ, буюк халқингизга фаровонлик тилайман.

Яна бир бор самимий ташаккуримни қабул қилгайсиз!

Евгений КАФЕЛЬНИКОВ,
Ўзбекистон Президенти Кубоги учун IV халқаро теннис турнири иштирокчиси (Россия).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини кенг оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, одамлар онгида, руҳиятида, қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий намоён этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, республика Бадиий академияси ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулласин.

2. Ижодий уюшма устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги эътиборга олинсин.

«Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, мулк шаклидан қатъий назар ташкилот ва тижорат корхоналари билан тузилган шартномалар ва буюртмалар асосида ташкил қилиниши инобатга олинсин.

3. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси маҳаллий ҳокимликлар буюртмаси асосида шаҳар, туман марказлари, аҳоли гавжум истиқомат жойларида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик йўлида олиб борилаётган яратувчилик ишларини, мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнини намойиш қилувчи ижобий ўзгаришларнинг асл ижодкори -- замондошларимиз сиймосини ёрқин акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этиши ҳисобга олинсин.

Ижодий уюшма фаолиятига асосий мақсад — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин ҳаёт қуриш йўлида ватандошларимиз амалга ошираётган буюк бунёдкорлик ишларини ифодаловчи, она Ватанга муҳаббат ва маънавий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбияловчи ишлар, плакат ва паннолар билан безатиш вазифаси ҳам кириши назарда тутилсин.

4. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганини, азалий ва умумбашарий қадриятлар қарор топаётганини, кишилар руҳиятидаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёрқин ва ишонарли тасвирлаш юзасидан ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, дизайн усталари, фотосуратчилар, кенг ижодкорлар доирасида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловини ҳар йили мунтазам ўтказиши ва Мустақиллик байрами арафасида якунланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, республика Бадиий академияси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа тегишли идоралар «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ишини ташкил этишга етакчи ижодкорлар ва малакали мутахассисларни жалб этишда кўмаклашсинлар.

6. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари самарали фаолият кўрсатишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ижодий уюшма билан келишган ҳолда буюртмаларга мос вилоят, шаҳар ва туман марказларидан кўргазмалар учун жой ажратсинлар ва уларни жиҳозлаш, дизайн, зарурий ашёлар билан таъминласинлар.

7. «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиареклама бюроси, «Тошшаҳарнури» корхонасининг «Публиколор» хизмати, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг реклама бюролари ўз ишларини «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан мувофиқлаштириб олиб борсинлар.

8. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасига Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 25 миллион сўм ажратилсин.

Ижодий уюшма ўзининг асосий фаолияти доирасидаги буюртмалари бўйича норезидентлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валюталарга айирбошлаш биринчи навбатда ҳал этилсин.

9. Ижодий уюшмага, унинг жойлардаги бўлимларига уюшма уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш-хўжалик, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

Ижодий уюшма, унинг бўлимлари ва уларнинг тасарруфидаги корхоналарнинг устав доирасида фаолият кўрсатиб олган даромадлари солиқлардан, божхона божи ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан 5 йил муддатга озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки уюшмани ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун ижодий уюшманинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижодий уюшма бошқарувини Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштириш масаласини ҳал қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар агентлиги ижодий уюшмани шаҳар ва ҳукумат телефонлари билан, «Ўзавтосаноат» уюшмаси иккита «Дамас» (юк машинаси) ва иккита «Нексия» автомашинаси билан таъминласин.

12. Ижодий уюшма бошқаруви раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 12 сентябрь



«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аҳолини янада сифатли газламалар билан таъминлаш, корхона маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида цехлар Англия, Германия, Чехия каби давлатлардан келтирилган замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланмоқда. Сиз кўриб турган тасвирда қайтадан жиҳозланган цех акс эттирилган. Уста (чапда) Нормамат Бекбудов ва цех бошлиғи Маҳмуд Ғозиев Англиянинг «Кросрол» фирмасидан келтирилган ускуналар ҳолатини кўздан кечираяпти.

Р. ШАМСУДДИНОВ олган сурат.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, Италия Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Романо Роди шу йил 17-18 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

12 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда вабо ва бошқа юқумли касалликларнинг кўпни мамлакатлардан кириб келишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан боғлиқ масала муҳокама этилди. Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, бош Давлат санитария врачи Б. Ниёзматовнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди. Унда айтилишича, қўшни Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг айрим туманларида вабо бўйича мураккаб вазият мавжуд. У ерда вабо билан касалланган ўн етти бемор аниқланган. Шу сабаб чегарадош ҳудудларда санитария-эпидемиология ишлари қамровини кенгайтириш, чегарадан ўтувчиларни тиббий текширувдан ўтказиш, қўшимча назорат пунктлари ташкил қилиш ўта муҳимдир.

Кун тартибидаги масала бўйича республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Д. Жаҳонгирова, Коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов ва бошқалар сўзга чиқиб, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда жойларда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, тарғибот муассасаларининг фаолиятини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА)

● *СПОРТ*

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МАНЗИЛИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Шу йилнинг 6 сентябрида бошланган «Президент Кубоги» халқаро теннис мусобақаси эртага ниҳоясига етади. Кубок тўртинчи бор (1994, 1995, 1996, 1997) ўз эгасига топширилади.

Бундай катта бахтга кимнинг мушарраф бўлиши ҳозирча номаълум. 12 сентябрга қадар бўлиб ўтган мусобақаларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 32 даъвогардан 24 нафари ғолибликдан умидларини бутунлай узиб бўлишди. Навбатдаги босқичга кўтарилган саккизта профессионал теннис усталари ўртасида навбатма-навбат ўтказиладиган етти «жанг» бизга «Президент Кубоги»нинг қайси мамлакатга кетишини аниқлаб беради. Ушбу саккиз даъвогар дунёнинг олти бурчагида, яъни, уч қитъанинг олтита давлатида яшайди. Кафельников, Столяров Россияда, Клавет, Санчес Испанияда,



Каубек Австралияда, Оразий Мароккода, Россе Швейцарияда, Спадеа Америка Қўшма Штатларида, Хенмен эса Англияда туғилган. Уларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрига мусобақа бош совринини қўлга киритиш учун катта умидлар билан жиддий тайёргарлик кўриб келишган.Демак, «Президент Кубоги» яқин кунлар ичида ана шу олти давлатдан биттасида яна бир йилга қўним топади.

11 сентябрь куни бўлиб ўтган мусобақаларда Мароккодан ташриф буюрган Оразий Австралия теннисчиси Каубекни 3/6, 6/3, 7/6, (4) натижа билан ютиб, кейинги ўйинларда қатнашишдан маҳрум қилди. Дунё профессионаллари ўртасидаги таснифга асосан 27 ўринда турган швейцариялик Россе ҳар галгидек чиройли ўйин кўрсатиб, қадимий ва ҳамиша навқирон Рим шаҳрида (Италия) туғилиб ўсган жаноб Винкензо Сантопадре устидан ғалаба қозонди -- 6/4, 6/3.

(Давоми 4-бетда)

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистоннинг Европадаги асосий ҳамкорларидан бири бўлган Германия, қолаверса, бошқа хорижий давлатлар ишбилармонларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистон билан Германия ўртасида молия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, Осиё-Европа молия бозорини тараққий эттириш жараёни ҳақида атрофлича ахборот бериш мақсадида ташкил этилган «Ўзбекистон-Германия молия кунлари» мавзуидаги халқаро конференция ўз ниҳоясига етди.

Икки кун давом этган ушбу анжуманда Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада хорижий шериклар, хусусан Германия билан ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. Чжен ушбу анжуманга якун ясар экан, унда муҳокама этилган мавзулар Ўзбекистон ва ўз навбатида Германия ишбилармон доиралари учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

(ЎзА)

СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида 12 сентябрь куни Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг таъсис съезди бўлди. Унда Республика Олий суди, Олий хўжалик суди вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, шаҳар ва туманлар судьялари, суд идоралари фахрийлари, хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг съезд қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган республикамизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани, судьялар ассоциациясининг ташкил этилиши ҳам бу борада муҳим қадам бўлишини таъкидладилар. Ассоциациянинг асосий вазифаси йўлбошчимиз судлар фаолияти моҳиятини тубдан ўзгартириш борасида қўйган вазифаларни изчиллик билан бажариш, суднинг жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органга айлантиришга хизмат қилишдан иборатдир.

Съездда ҳокимиятнинг мустақил учинчи тармоғи бўлган судлар таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш, суднинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини мустаҳкам муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Съездда Ўзбекистон Судьялари ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ассоциациянинг устави, судьялик этикаси қоидалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Республика Адлия вазирлигининг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Абдул Тўхташев Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ва марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Съездда Ўзбекистон Олий судининг раиси У. Мингбоев, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, республика Бош прокурори Б. Мустафоев, Адлия вазири С. Мирсафоев қатнашди.

(ЎзА)

● *ФЕСТИВАЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР*

ФАХР

Бу кеча мен узоқ талабалик даврларимни эсладим...

Журналистикада «умумлаштирувчи мақола» деган гап бор. Бирор муҳим воқеа ё жараён ҳақида кўп гапирилади, ёзилади, сўнг кимдир уни умумлаштиради, яъни сарҳисоб қилади. Бундай мақола халқаро миқёсдаги воқеа ҳақида бўлса, одатда «фалон мамлакатдан фалонча одам қатнашди, фалон ғоялар олға сурилди, фалон-писмадон натижаларга эришилди» қабилида фикр юритилади. Бу каби мақолани ёзиш қийин эмас, чунки барча фактлар, сизгача билдирилган фикр-мулоҳазалар қўл остингизда. Лекин воқеанинг асил, туб моҳияти ҳақида ёзиш осон эмас...

Шундай қилиб ғоя олға сурилди. Воқеа содир бўлди, у муваффақият билан якунланди. Аммо асосий иш энди бошланади. Чунки ғоя ҳаётбахш эди, содир бўлган воқеа эса улкан ишга дебоча бўлди...

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бошига биринчи кундан маънавиятни қўйган Президентимиз, сўнгги йилларда бу ҳақда бир нечта Фармону қарорлар чиқарди. Бирорта китобида маънавиятни четлаб ўтмаган йўлбошчимиз бу сафар нафақат ўз халқининг, балки воқелик тасдиқлаганидек, бутун Шарқ халқларининг кўнглидаги ғояни ўртага ташладилар. Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказамиз, дедилар. Номини ҳам, жойини ҳам, асосий шартларини ҳам ўзлари айтдилар. Нима учун Самарқандда деганда ғурурдан, фахрдан кўзлари ёнди. Шарқнинг нафаси уфуриб турган яна қандай шаҳар бор бу дунёда Самарқандга етадиган. Яна қайси мамлакатда мусиқага Регистондай ҳайкал бор, дедилар ўзлари ёндилар, бизни ёндирдилар. Бунга ўша суҳбатда қатнашганлар гувоҳ...

Ғоя Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётган ҳаво кемаларида Шарққа қанот ёзди, Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётган қушдек енгил «Нексия» автомобилларида самолётларга кеч қолган меҳмонларни Тошкентдан Самарқандга ташиди. Шарқда бошланган бу ҳаракатга ўз-ўзидан Ғарб қўшилиб кетди. Чунки ғоя, дунёвий, умуминсоний эди. У санъатда миллийликни улуғлаш билан бир қаторда Шарқона анъаналарга, умуминсоний қадриятларга чорлар эди.

Ўзбекнинг зарбоф тўнини бутун зиёфат давомида ечмай ўтирган ЮНЕСКОнинг маданият ишлари бўйича бош директори, ушбу нуфузли ташкилотдан келган беш кишидан иборат делегация раҳбари, архитектура доктори, катта олим ва ташкилотчи Креспо Торал жаноблари тўлиб-тошиб «мен ҳозир Клавихони кўз олдимга келтиряпман, озгина бўлса ҳам унга ўхшадимми?» деганида мен бунга тўлиқ амин бўлдим. «Сиз Клавихога ўхшаганингиздан фахрлансангиз юртимга, жаҳонга соҳибқирон Амир Темур қайтганидан мен юз баравар, минг баравар фахрлансам арзийдими?» дедим унга.

«Арзийди, арзийди, арзийди» деди у.

«Арзийди, арзийди» кўтарилди ғурур турфа рангли, турфа либосли юзлаб хорижликлар буюк аждодим пойига сидқидилдан гуллар қўйганда...

«Фахрлан, фахрлан» қалқди ифтихор фестивалнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг икки-уч кун хорижликлар тилидан тушмаган «Фантастик, шок» деганида ҳаяжонли сўзлардан.

Ёнди яноқларим худди мени ўпгандай ғолиба озор қизи Симара Имонова Регистонни тоширган халқимга қараб «ўпюрам ҳаммангизни» деганда юрак юракдан...

Кўнглим юртим тоғларидай кўтарилди, Ўзбекистондан конкурс иштирокчилари аниқланаётганда Муножат Йўлчиеванинг «ҳар хил гаплар юрибди, ўзингиздан билгани келдим, фестивалга келаётгандар бўш эмиш. Ўзимизнинг юлдузлар конкурсда қатнашмас эмиш. Лекин менинг фикрим бошқа. Юртимизда шундай катта фестиваль бўлгандан кейин бўши келадими, зўри келадими, конкурсда қатнашишни, Ўзбекистонимиз санъатини намойиш қилишини ўзимнинг бурчим, деб биламан», деган сўзларини эшитиб...

Ўзбекнинг мард қизи, дунёга донғи кетган суюкли фарзанди, ўз Ватанига ошиқ қизи майдонга чиқди, ҳалол курашди. Жюри аъзолари унга ҳам бош мукофот -- Гран-при беришнинг иложини топиша олмади. Ягона бош мукофот совриндори эса уни ўзига устоз, деб билди.

(Давоми 2-бетда)

УШБУ СОНДА

2-бет
ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ҲУДУД ЯРАТИЛМОҚДА

3-бет



4-бет

ХИСОМ ОРАЗИЙ:
ЎЗБЕКИСТОН — МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ЮРТ

• ФЕСТИВАЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конкурс иштирокчиси Марям Сатторова эса гул олиб озар синглисини табриклашга ошиқди. Яна бир мард ўзбек ўғлони, машҳур созанда, бастакор Абдуҳошим Исмоилов эса Хитойдан келган, одамлар кўриб: «Ие, уларнинг ҳам Абдуҳошими бор эканку деб юборган» ҳамкасбига тасанно деб, минглаб одамлар билан тўлиб тошган Регистон майдонини кўкка кўтариб юборган қарсаклар билан қиқояланди...

Мана сизга ўзбекнинг тантилиги. Ўзини ҳам зўр билиши, зўрга тан бериши. Бундан ҳам фахрланмай бўладими.

Чошгохдан ярим тунгача танлов натижаларини ниҳоясига етказа олмаган, тун бўйи мижжа қоқмаган, қора кўзлари киртайган таниқли одим -- ҳайъат раиси Харума Кошиба хоним эрта тонгда узр сўраб эшигим қоқди. «Кўп фестивал кўрганман дунёда, ўн мамлакатдан келган жюри аъзолари ҳам кўпни кўрган одамлар, лекин бу қадар қийин бўлмаган. Қийинлиги дастурларнинг бир биридан гўзаллигида. Муҳлат беринг яна озгина», деди. Кўксим тўлди яна фахрга. Фахр босди «шув» этган юрагимни, чунки шу кеч фестивалнинг ёпилиши куни. Кўзлари оқакула, натижаларни кеча кун бўйи кутган, турган-битгани истеъдод Баҳодир Йўлдошев келди кўз олдимга. Қандай улуғради бечора гала-концертга... Ахир, ҳеч бўлмаса бир марта репетиция қилиш керак. Қандай улгурамиз бошқа, бир қараганда майда, лекин кўп вақт талаб қиладиган ташкилий ишларга...

Устун чиқди фахр. Илтимос, тезроқ дедим, холос. Тезроги — яна тушликкача бўлди тортишув. Ҳайриятки, натижалар Кошиба хоним айтган дастурлардай чиқиб чиқди. Улкан масъулиятдан эркакларча сабот билан ўтган нозик аёл Кошиба хонимнинг кўзларида севинч ёшлари...

Бундай дамларда Оллоҳнинг ўзи қўллайди. Режиссёр ҳам улгурди, бошқа ўнлаб хизматчилар ҳам. Яна Президентнинг гаплари ёдимга тушди. «Тушунаман, қийин бўлади. Бу ёқда август охири -- «Ўзбекистон -- Ватаним маним » қўшиқ байрами, энг улуғ байрам -- Мустақиллик куни, булар билан баробар кунларда «Шарқ тароналари». Лекин ҳаракат қилинса, ҳаммасига улгурса бўлади. Бир-бирига уланиб кетса, катта, лекин битта меҳнат бўлади...»

Айтганларидай кўз кўрқоқ, қўл ботир. «Ўзбекистон -- Ватаним маним» қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида вилоятлардан келган 800 га яқин иштирокчи, Мустақиллик майдонида 2000 га яқин, Самарқандда мингдан ортиқ фидойи санъаткорлар, маданият ходимлари, қурувчи дизайнерлар. Тинимсиз меҳнат. Катта, лекин бир йўла қилинаётган меҳнат халқни, миллатни бирлаштираётган меҳнат. Бундай ишларнинг унча-мунча мамлакатда амалга ошиши амримаҳол эканлигини кўрсатувчи кўтаринки руҳ бағишловчи улкан меҳнат.

Мустақиллик менга нима берди, деб эмас, мустақилликка мен нима қилиб бердим деб, ўз халқининг муътабар орзуумидлари, ноёб санъати оламга намоён бўлишини чуқур англаб, жон-дилидан қилинаётган меҳнат...

Бир оёғи Тошкентда, бир оёғи Самарқандда бўлди ўнлаб фидойиларнинг. Уларнинг ичида эл кўзига суртган санъаткорлар ҳам, уларнинг ортида туриб, уларга таянч бўлиб хизмат қиладиган турли касб эгалари ҳам, ўнлаб ҳомийлар ҳам бор эди. Фахр. 60-70 қизини бағрига босиб бугун Самарқандда, эртага Тошкентда индин яна Регистонда саҳнани тўлдириб гурсо-гурс қилаётган Юлдуз Исматованинг ҳеч нарса билан солиштириб бўлмас меҳнат шижоати... Қандай қилиб фахрланмасин буни кўриб турган инсон...

Бу даврда Тошкентда, Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари-чи, ўша кунлари ўтган Бухоро нефть заводи тақдимоти-чи.

Жюри аъзоларининг Президентга йўллаган миннатдорлик мактубида катта ҳарфлар билан ёзилган «Сизга, муҳтарам Президент, янги Ўзбекистон учун, дунёга очиқ Ўзбекистон учун, келажаги муқаррар Ўзбекистон учун ташаккур билдирамиз, деган сўзлар юртбошимизнинг, халқимизнинг сўнгги йилларда қилаётган буюк меҳнатига берилган баҳо эмасми?

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъати муштараклиги» мавзуида ўтган илмий конференция иштирокчилари қабул қилган декларацияда ҳам шундай баҳо бор. Улар ЮНЕСКОга, халқаро мусиқа кенгашига, халқаро анъанавий мусиқа кенгашига мурожаат қилиб, Ўзбекистоннинг маданий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларини эътироф этиб, бу ерда етарли шарт-шароитлар борлигини тан олиб, фестивални доимий оталиққа олишни, Ўзбекистонда Осиё болалари мусиқаси халқаро фестивалини, мактабларда мусиқий таълим услубиятини Марказий Осиё мамлакатларига ёйиш мақсадида халқаро семинар ўтказишни ва ҳоказо тадбирларни тавсия этгани-чи.

ФАХР

Дарвоқе, бу конференция яна бир ҳақиқатни, яъни «Шарқ тароналари»дай фестиваль фақат мустақил Ўзбекистон шароитидагина юзага чиқиши мумкинлигини тасдиқлади. Нега энди, бунга нима ҳожат бор эди, ўз-ўзидан маълум-ку бу нарса, дейишингиз мумкин. Афсуски, ҳали ҳам ҳожат бор экан. Мустақиллик нима эканлигини олти йил ўтиб ҳам теран тушунмаган, тўғрироғи, ўтмиш юкидан ҳали ҳам халос бўлмаган фуқаролар ўтиш даврида бўлиши табиийдек туюлади. Аммо бундай фуқаролар ичида зиёлиларнинг, айниқса, санъаткорларнинг бўлиши кишини ажаблантиради.

Фестиваль арафасида ва у ўтаётган кунларда ҳам бир пайтлар Самарқандда ўтган мақомчилар симпозиумлари унга тенгларштирган бундай фестивалларнинг олдин ҳам бўлган эди, деган фикрлар билдирилди.

Собиқ империянинг Ўзбекистонни социалистик жамият қурилиши лабораторияси деб эълон қилгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Бу «Соябон» остида юртимизда ёзувчилар конференциялари, кинофестивалларг, турли анжуманлар, шу жумладан мақомчилар симпозиумлари ўтиб турарди. Бу тадбирлар ипидан игнасигача Москвада тузилар ва уларни бошидан охиригача марказдан келган одамлар бошқарар эди. Тошкент халқаро кинофестивалининг деярли барчасида бевосита у ёки бу юмушни бажарган ижодий ходим сифатида биргина мисол келтирай. Фестиваль дастурига киритиладиган фильмлар Москвада кўрикдан ўтказилар, чет элларга фильмлар танловига ҳам улар борар, бир нечтагина сафарга, номига, бизнинг ижодкор ходимлар ҳам қўшиб қўйиларди. Фестивални ўтказишга эса Москвадаги кино ташкилотларининг каттакичик ходимлари-ю қабулхонадаги котибаларигача Тошкентга кўчиб келишарди. Баъзан хорижлик кўпми, москваликми, фарқига бормай қолардик.

Шердор мадрасасида атиги 5-6 хорижий мамлакатдан келган ижрочилар, асосан Москва ва собиқ Иттифоқ республикаларидан олимлар бир неча юз томошабин иштирокида эрталаб мажлис, кечқурунлари эса концерт ўтказишарди. Оммавий ахборот воситалари асосан чет элларга бонг уришар, ҳужжатли кино усталари эса махсус фильмлар тайёрлаб беришарди. Бу анжуманлардан кўзда тутилган мақсад: мана, кўриб қўйинг, советлар миллий маданиятга қандай яхши муносабатда дейиш, деганда ҳам шу сиёсат билан айрим мамлакатларни социализмга ташвиқот қилиш эди.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилган куннинг эртасига оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот конференциясида «Бундай фестивалларг аввал ҳам ўтган»деган фикрга юқоридагича изоҳ берилганда залдагилар қарсак чалиб юборгани бу оддий ҳақиқатни нафақат ўзимизникилар, балки чет эллардан келган журналистлар ҳам яхши билганликлари далолати эмасми?

Фестиваль давомида хорижий мухбирлар ўз юртларига узатган хабарларда бундай улкан байрам аввало мустақил Ўзбекистоннинг ютуғи эканини қайта-қайта қайд этаётганичи.

Халқимизда, қозонда бўлса—чўмичга чиқади, деган гап бор. Шарт-шароитлар, тажриба, шунга яраша иқтисодий, маънавий салоҳият бор эканки, конференцияда жаҳон миқёсидаги тавсиялар пайдо бўлибди.

Бугун тавсия, эрта-индин амалга оширилган ишлар бу. Ўзбекистон билан баравар ишлайди ўша нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам дегани бу.

... Ғоянинг ютуққа эришувига ишонардик. Шундай бўлди ҳам. Ғоя аввалдан кашфиёт эди. Шундай бўлди ҳам. Кўҳна Регистон ёшарди кетди. Бу ғоя бир ҳафта турли тилларда, турфа дилларда жўш урди.

Самарқанд кўчаларида ҳар кеч халқ оқди дарё бўлиб, Самарқанд кўчаларида ҳар кеч Шарқ оқди дарё бўлиб. Бу дарёнинг 33 ирмоғи бўлди. Мана мен деган 33 мамлакатдан 270 санъаткорни бағрига босиб халқим оқди кўчаларда. Турфа рангли, турфа либосли одамлар ирмоғи кўчалардан, Регистондан ташқари яна беш муқаддас майдондан тошиб ҳовлиларга кирди. Ўзбекнинг қалбидек ланг очиқ дарвозаларни, доим ёзилган тўкин дастурхонни, дунёга довруғи кетган тўй-ҳашамларни кўрди бу ирмоқлар.

Катта-кичик ҳокимлари, раҳбарлари бошлиқ елиб-югурган меҳмоннавоз самарқандликларни кўрди бу ирмоқлар.

Оққан дарё -- оқар, дейдилар. Энди оқаверади бу дарё. Ирмоқлари кўпаяверади, ҳудо хоҳласа. Чунки дебоча дунёга очилди, дунё кириб келди бу дебочадан. Дунё олиб кетди ўзи билан гўзал ғояни, кўз ўнгида амалга ошган улкан байрамни. Қайтажак ирмоқлар дарёлар бўлиб, чунки олам кўрди байрам масканини, олам кўрди булбул сайраган юртни -- Ўзбекистонни.

Ўзбекнинг ўймакор устуни узра тилла булбул кетди дунёнинг неча мамлакатига. Унинг тамғаси бор -- «Шарқ тароналари» унинг ғояси бор -- миллатни кўтар, ўзини англаган миллат ўзгага зугум қилмас, ўзгага қул ҳам бўлмас. Ўзини англаган миллат ўзгага фақат дўст бўлади. Бу дегани -- дунёда тинчлик дегани. Ғоянинг кучи шу қадар оддий ва буюк ҳақиқатда экани бутун дунёга намоён бўлди. Энди уни фақат меҳнат мустаҳкамлайди.

Фестиваль ташаббускорининг иши энди бошланди, деганлари шундан.

Хайрулла ЖЎРАЕВ,
«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бош директори, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (ЎзА).

«Суверен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч билдириб, унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, ўй - хаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи керак,»- деб ёзади Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида.

Бу масъулиятни англаб етиш, шунингдек, дунёнинг икки қутблилиги тугаган бўлсада, унинг аввалгидек мўртлигича қолганини ва ўзига авайлаб муносабатда бўлишни талаб қилишини англаш мамлакатимизнинг барча ташки сиёсий ташаббусларининг асосини ташкил этади. Шулардан бири Ўзбекистон Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48 сессияси минбаридан илгари сурилган бўлиб, бугун у аниқ қиёфага эга бўлмоқда. 15 сентябрда Тошкентда очиладиган «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» халқаро конференцияси Ўзбекистон ташаббусини амалга оширилаётганидан далолат беради.

ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ҲУДУД ЯРАТИЛМОҚДА

Конференцияда 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади. Улар орасида - «ядро қуролига эга бешлик», Европа Кенгашига аъзо давлатлар, Африка, Лотин Америкаси ва Осиё қитъаси давлатлари ҳайъатлари, БМТ, ЕХҲТ, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Лотин Америкасида ядро қуролини таъқиқлаш бўйича агентлик (ОПАНАЛ), Ислом конференцияси ташкилоти, НАТО, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Давлатлараро кенгаши ижроия қўмитаси, «Ҳуқуқшуносла - ядро қуролига қарши» халқаро ноҳукумат ташкилоти, Пагуош ҳаракати бор. Тошкент анжумани сайёранинг турли бурчакларида катта қизиқиш уйғотаётгани ҳозирги шароитда инсоният хавфсизлиги яхлит ва бўлинмас эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

«Пагуош хабарномаси»нинг охирги нашрларидан бирида Пагуош ҳаракати қатнашчиларининг Киев учрашувидан олинган хабарлар берилган. Унда таъкидланишича, Марказий Осиёнинг беш мамлакати ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги ташаббусини БМТ Бош Ассамблеяси эътиборига ҳавола этиб, кейинроқ минтақа давлатлари раҳбарларининг Алмати саммитида амалга ошириш учун қабул қилинган. Журнал Киев конференциясидаги баҳсларда мазкур ғоянинг омма томонидан маъқулланганини ёзиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Марказий Осиё Европа хавфсизлиги тизимига кирувчи минтақа сифатида қаралиши лозим, чунки уни ташкил этувчи барча беш давлат Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолари ҳисобланади».

Киевдан минглаб километр узоқликдаги Марказий Осиёда ядро хавфсизлиги ҳудуди яратиш ғояси июль ойининг охирида Японияниг Саппоро шаҳрида ўтган БМТнинг қуролсизланиш муаммолари бўйича конференцияси қатнашчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу масала баҳслар давомида муҳокама этилиб, халқаро анжуманнинг ҳамраисларидан бири Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари маркази директори профессор Брахма Челланинг якуний кенгашда қилган маърузасида ўз аксини топди. У ядро хавфсизлиги зонаси ғоясининг муҳимлигини қайд этиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қўтарилган бўлиб, сўнгра минтақанинг беш мамлакати томонидан қўллаб-қувватланди ва шу йилнинг февраль ойида Марказий Осиё давлатлари Президентлари имзолаган Алмати декларациясида ўз ифодасини топди».

Россия сиёсий тадқиқотлар марказининг Москвада чоп этиладиган «Ядро назорати» журналининг август-сентябрь сонида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан суҳбат эълон қилинди. Унда ҳозирги дунёдаги ядро фактори ролига қуйидагича баҳо берилади: «1945 йилнинг июлида Аламагордода (АҚШ) ўтказилган биринчи ядро синови ядро даврига асос солди. Ядро қуролини яратиш ва ишлатишнинг ярим асрлик тарихи унинг ер юзидаги барча жонзотларга кўрқинчли вайронгарчилик таъсирини кўрсатиб, ядровий ҳужум бўлган урушдан омон чиқиб бўлмаслигини исботлаб берди. Совуқ уруш тугаганига қарамасдан ядро хавфи камаймаяпти. Содир бўлган ва оқибатини айтиб бўлмайдиган ядро фалокати ва аварияларини эслатиб ўтиш лозим. Деярли барча футурологик назарияларга кўра, ядро хавфсизлиги кейинги ўн йилликларгаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолади.

Янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, тинчлик жараёни ва халқаро муносабатларнинг демократлашуви ижобий тенденцияларни кучайтирди, аммо шу билан бирга баъзи бир мамлакатларга ядро сиёсатини ўтказиш имкониятини бериб, у маълум даражада ядро қуролларини таъқиқлаш жараёнини сустлаштирди. Айни пайтда халқаро жамоатчилик томонидан кишилик жамияти ўзаро боғлиқлигининг тан олиниши халқаро хавфсизлик асосларини мустаҳкамлашнинг фаол иштирокчилари доирасини кенгайтирди. Ўз ядро қудратини ташкил этиш ниятидаги «бўсага мамлакатлар» билан бир қаторда ядро қуролини ёймаслик тартибини мустаҳкамловчи янги кучлар ҳам пайдо бўлди. Ўзбекистон ҳам ўзини охирги гуруҳ мамлакатлари қаторига қўшади ва айнан ядрога эга бўлмаган давлатлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани мустаҳкамлашда ҳал этувчи ролни ўйнашлари шарт, деб ҳисоблаши одил фикрдир».

Абдулазиз Комилов журнал саволларига жавоб бериб, айтдики, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг охирги саммитидаги якуний ҳужжатда бўлажак ҳудуднинг географик шакли деярли аниқлаб бўлинган, яъни унга Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон кенгликлари киради. Амалдаги Тлателолко, Пелиндаба, Бангкок ва Раротонго шартномалари асос жиҳатидан умумийликка эга бўлгани ҳолда ўзига хос тафовутлардан холи бўлмай, ядро қуролидан холи зоналар концепцияси мослашувчандир. Унинг таъкидлашича, Марказий Осиё лойиҳаси минтақадаги экологик шароит муаммосини ҳам ўз ичига олади. Марказий Осиё зонасининг ўзига хос томонлари ва ривожланиш истиқболларини эса Тошкент анжумани кўрсатади.

Бугунги кунда ядро хавфсизлиги ҳудуди учун ҳаракат жаҳон халқларининг атом таҳдидига қарши курашининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Американинг Монтерей халқаро тадқиқотлар институти нашр этувчи «Тарқатмаслик» журналининг учинчи сонида босилган мақолада етук халқаро эксперталардан бири, Женева жаҳон тадқиқотлари марказининг вице-президенти, БМТ қошидаги қуролсизланиш соҳасидаги тадқиқотлар институти маслаҳатчиси Жозеф Голдблат ана шунга ишора қилган.

Олим сўнгги пайтлар бу йўналишдаги энг муҳим қадам сифатида Марказий Осиё давлатларининг ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича ташаббусларини, уларнинг Тошкентда конференция ўтказиш қарори ва пировард натижада минтақани ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш таклифини БМТ Бош Ассамблеяси муҳокамасига киритганларини кўрсатган. Шу муносабат билан у халқаро ҳамжамият эътиборини турли минтақаларда тўпланган ядродан холи хавфсизлик ҳудуди яратиш ва бу каби битимларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тўпланган тажрибаларни таҳлил этишга қаратади.

Ўзбекистон пойтахтида бўладиган халқаро анжуман бу соҳада ҳам яхши имкониятлар яратиши мумкин. Шу кунларда Алматида ядро қуролини тарқатмаслик муаммолари бўйича конференция ўз ишини тугатди. Унинг иштирокчилари бошқалар қатори минтақамизда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш масаласини ҳам эслаб ўтдилар. «Мазкур конференция, - деб таъкидлади ўзининг 9 сентябрь сонида «Қозоғистон ҳақиқати» газетаси, - Тошкентда ўтадиган яна бир халқаро конференцияга кўприк бўлиб хизмат қилади ва охир оқибатда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги шартномага олиб келиши мумкин бўлади».

Шундай экан, Тошкент халқаро анжумани ишига муваффақиятлар тилайлик. Тўрт йил илгари бошланган йўл бизни янги, ҳисоб бўйича бешинчи ядро хавфсизлиги ҳудудини яратишга олиб борсин. Бу бизнинг давлатлар ва халқларимиз учун, бутун сайёра учун фойдали бўлади.

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги шарҳловчиси.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналари арафасида гулистонликлар алоқачилардан ажойиб совға олдилар. «Сирдарётанком» ҳиссадорлик жамияти ва «Ўздунробита» қўшма корхонаси ҳамкорлигидаги ишлар ниҳоясига етказилиб, телекоммуникациялар тармоғи энг замонавий технологиялар асосида қайта қурилгач, вилоят марказида уяли телефон алоқаси хизмати йўлга қўйилди.



СУРАТЛАРДА: ***техника бўлимида: ҳиссадорлик жамияти бош директори В. Хан, «Ўздунробита» Сирдарё филиали директори В. Теплоухов ва муҳандис Л. Нам янги телетармоқ сифатини кўздан кечиришмоқда.***

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ДУНЁ ҲАЁТИДАН ОРАЛИҚЛАР

ҲУКУМАТНИНГ МАХСУС ҚАРОРИ

Ҳиндистон ҳукумати 13 сентябрь шанбани расмий равишда махсус қарор билан дам олиш куни, деб эълон қилди. Ушбу кун Калькутта шаҳрида давлат даражасида ўтган ҳафта ҳаётдан кўз юмган Тереза онани расмий дафн этиш маросими бўлиб ўтади. Дафн куни бутун мамлакатда давлат байроғи туширилади. Абадийликка айланган Тереза онани сўнгги йўлга кузатиш маросимида кўплаб хорижий расмий доираларнинг вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

КАНАДАНИНГ НАМУНАСИ

Канада давлати ўз мудофаа заҳирасидаги пиёдаларга қарши қўлланиладиган барча миналарни шу йилнинг декабрь ойигача бартараф этмоқчи. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Ллойд Эскуорси ва Миллий мудофаа раҳбари Артур Эгглтоннинг қўшма баёнотида маълум қилинади. Баёнотда таъкидланишича, ушбу жараён декабрь ойида пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналарни таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолаш мақсадида кўплаб мамлакат вакиллари ташриф буюрган чоғда расман ниҳоясига етади.

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНДИ

Покистон ҳарбий суди «Машриқ» газетасининг Пешовардаги бюроси бошлиғи Ҳумоюн Фурни хорижий давлат фойдасига жосуслик қилганликда айбдор деб топди ва уни беш йилга озодликдан маҳрум этди. Покистон Мудофаа вазирлиги вакилининг журналистларга маълум қилишича, Ҳумоюн шу йилнинг июль ойида маҳфий ҳужжатларни хорижий давлат вакилига бераётган пайтда қўлга олинган. Суриштирув чоғида унинг узоқ вақт давомида хорижий элчихоналардан бирининг вакили билан алоқа боғлаб, ҳарбий-маҳфий маълумотларни етказиб берганлиги аниқланди.

• БИЗНИНГ ШАРҲ

ШАРАФЛИ МИССИЯ БИЛАН

Яқин Шарқ муаммоси моддалаб кетган улкан ярага ўхшайди, деб ёзган эди етакчи хорижий газеталардан бирининг шарҳловчиси. Албатта, сўнгги ойларда Қуддусда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бу минтақадаги шундоқ ҳам кескин вазиятни янада чигаллаштириб юборди. Бу қўпорувчилик ҳаракатларида Исроил ҳукумати Фаластин муҳториятини, муҳторият эса Исроилни айбламоқда. Аммо бу можарони тўғри ҳал этишга кўмак бериши даргумон. Шу боис ҳам, Яқин Шарқдаги зиддиятни бартараф этиш бўйича етакчи воситачи мамлакат -- АҚШнинг Давлат котиби Мадлен Олбрайт ушбу минтақага йўл олди. Мақсад тўхтаб қолган Исроил-Фаластин тинчлик музокараларини давом эттирилишига эришишдир.

Мана бир неча кундирки, Олбрайт хоним минтақадаги давлатлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказаётир. У чоршанба куни Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяҳу билан учрашув ўтказган бўлса, пайшанба куни Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи -- Иерихонда Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат билан мулоқотда бўлди. Бу учрашувдан сўнг, АҚШ давлат котиби яна Нетаньяҳу билан музокаралар ўтказади.

Ҳозирча Олбрайт хонимнинг томонларни бир тўхтамга келтириш борасидаги уринишлари жиддий муваффақият қозонганича йўқ. Фаластин маъмурияти вакиллари Олбрайт хонимнинг Исроил бош вазири билан учрашувидан сўнг ўтказилган матбуот конференциясида айтган фикрларига эътироз билдирди. Давлат котиби матбуот анжуманида тинчлик жараёнини Исроил бир томонлама амалга оширолмайди, Фаластин ҳукумати ислом террорчиларига қарши қатъий чора-тадбирлар кўрмоғи лозим, дея таъкидлаган эди.

Фаластин маъмурияти маданият ва ахборот вазири Ёсир Абд Раббонинг баёнот беришича, «Олбрайт бугун сафари давомида юқорида айтилган баёнотидан келиб чиққан ҳолда иш тутса, Фаластин-Исроил зиддиятида айтарлик самарага эришилмайди», деган фикрни билдирди. Албатта, бу бир тарафнинг фикр-мулоҳазаси, холос.

Исроил мухолифати раҳбари Эҳуд Барак эса инқироздан чиқиш йўлидаги ўз таклиф-мулоҳазаларини АҚШ Давлат котибига тақдим этди. Баракнинг назарда тутишича, Исроил-Фаластин тинчлик музокараларини тўхтаб қолишига сабаб бўлган Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун бунёд этилаётган мавзе қурилишини уч ойга тўхтатиб қўйиш лозим.

Олбрайт хоним билан музокара ўтказган Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви яна бир масала -- Сурия билан тинчлик музокаралари истиқболига умид билдирди. «Бугун тинчлик музокараларини жонлантириш имконияти бундан бир ой илгарига кўра бир неча бор ортди», деди у.

Сурия расмий радиоси АҚШ Давлат котиби Олбрайтнинг Яқин Шарққа ташрифини шарҳлар экан, Олбрайт хонимни тинчлик жараёнининг тикланиши учун муайян қадамлар қўйишга чақирди. «Барча йўналишларда қотиб қолган» музокараларга туртки бериш лозим, дейилади радио тарқаттан хабарда. АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт эса айнан шу миссия юзасидан минтақага ташриф буюрган. Олдинда Олбрайт хонимни бир неча қийин, аммо шарафли ва масъулиятли музокаралар кутмоқда.

Х. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларининг 22001 UMFS чиқарилишини қоплаш ва 22007 UMFS чиқарилишини жойлаштириш якунлари бўйича

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, **22001UMFS** чиқарилишидаги облигациялар **1997 йил 10 сентябрь куни 2 629,679 млн.** сўмлик ҳажмида тўла қопланди.

22007UMFS сонли чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигациялари **(1997 йил 10 сентябрда** чиқарилган, қоплаш санаси -- **1998 йил 11 марта** -- муомалада бўлиш муддати **182 кун)** ни жойлаштириш бўйича кимошди савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил **10 сентябрь** куни бўлиб ўтди.

Кимошди савдосида **10** та дилер-банк қатнашди.

Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- **3200,0 млн.** сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг **20 фоизигача** миқдорда берилишига рухсат этилди.

Кимошди савдосига облигация номинал қийматининг 86,60% дан **88,33%** гача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида **1 659,021 млн.** сўмни ташкил этди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг **87,90%** ини ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми 1 **207,162 млн.** сўмни ташкил этди.

Кимошди савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг **88,05%** ига тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам ҳудди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми **26,770 млн.** сўмга тенг бўлди.

Жами номинал ҳисобида 1 **233,932 млн.** сўмлик облигация сотилди. **18,16 фоиз** облигациялар дилер бўлмаган инвесторлар томонидан харид қилинди.

Ким ошди савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлилиги қуйидагича бўлди:

Кимошди савдоси якунлари бўйича даромадлик (йиллик % ҳисобида)	Минимал баҳода 87,90%	Ўртача олинган баҳода 88,05%
Оддий фоизлар услуби бўйича	27,61	27,22
Мураккаб фоизлар услуби бўйича	29,52	29,08

• ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Пайшанба шаҳрининг чеккасида шинамгина маъмурий бино бор. Атрофи кўкаламзор боғ. Йўлаклар четида виқор билан қад ростлаган арчаларни кўриб кўз қувнайди. Олма дарахтлари ғарқ ҳосилга кирган. Боғни ҳар томонга қараб кесиб ўтган йўлаклар четига ўриндиқлар ўрнатилган. Бу ерда бўлган одам беихтиёр бир зум тўхтаб, соя-салқинда озроқ дам олгиси, фикрини жамлаб, хордиқ чиқаргиси келади.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Гапни идора атрофидаги шинам боғдан бошлаганлигимиз бежиз эмас. Халқимизда «ранг кўр, ҳол сўр», деган нақл бор. Биз таърифини келтирган бинода эса Каттақўрғон тумани ғазлаштириш идораси жойлашган. Биз идора раҳбари Эгамберди Мустафоқуловдан атроф-манзарага ҳавасимиз келганлигини яшириб ўтиролмадик.

- Ташкилотга 1989 йилда бошлиқ этиб тайинланганман, - дейди Эгамберди ака ҳам таърифимиздан мамнунлигини яширолмай. Ўша вақтда боғимиз ўрнида бийдек ялангликнинг ястаниб ётарди. Бор будимиз учтагина кўчма вагонда сақланарди. Ўша йилиёқ идора биноси қурилиши бошланди. Биз эса атрофни ободонлаштиришга киришдик. Сув келтирдик. Мевали, манзарали дарахтлар ўтқаза бошладик. Боғ ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ, албатта. Жамоамиз уч-тўрт йил тинимсиз меҳнат қилди, энди эса ҳузурини кўраяпмиз. Биров келса уялиб қолмаймиз.

Каттақўрғон газчилари кейинги йилларда нафақат ўзлари учун қулай шарт-шароит яратишди, балки аҳолига хизмат кўрсатиш ишларини ҳам Жой-жойига қўйиб қўйишди. Ҳозирги кунда туман хўжаликлари 77.5 фоизга газлаштириб бўлинган.

- Табиий газ тармоқлари фақат даштзонамизга етиб бормаган, холос, - дейди Эгамберди ака. - Булар аҳоли ўта сийрак яшайдиган Андоқ ва Ёнбош қишлоқлари. Лекин шуниси қувончлики, яқин вақт ичида бу жойларни ҳам зангори олов билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Айни пайтда Андоқ қишлоғини газлаштириш лойиҳаси тайёр. Моддий имконият юзага келиши билан ишни бошлаб юборамиз. Бундан ташқари ҳам фаолиятимиз турлари жуда кўп. Газдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, зарурат туғилганда техник ёрдам кўрсатиш, ёқилғидан қандай фойдаланилаётганлигини доимий назорат қилиб бориш ҳам жамоамиз зиммасида.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз Президенти аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида Фармон чиқарган. Биз шу асосда ишимизни тубдан қайта кўриб чиқаяпмиз. Жойларда аҳолига хизмат кўрсатувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Зарур мутахассисликларни маҳаллий ёшларга шу ернинг ўзида ўргатаяпмиз. Ўз вақтида тез ва соз ёрдам кўрсатишни ташкил этиш мақсадида бевосита қишлоқларнинг ўзида бўлинмалар очганмиз. Бевосита халқ хизматида бўлиб, асосий иши хонадонлардаги газ ускуналарини текшириш билан боғлиқ хизматчиларга йигирма фоиз устама ҳақ тўлашни йўлга қўйдик.

Туманда юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Шунча одамга хизмат кўрсатиш осон эмас, албатта. Ташкилотнинг маданий-маиший шароитлари рисоладагидек эканлиги ҳам асли шундан. Улар хизматларига яраша пул ҳам топишаяпти. Боғнинг этагида пешайвони нақшинкор устунлар билан безатилган ошхона. Унинг ёнгинасида замонавий спорт зали, сауна, иссиқхона.

- Бу иморатларнинг бари биргаликдаги меҳнатларимиз эвазига қурилган, - дейди Эгамберди ака. - Шунинг учун ҳам улар хизматидан барчамиз бирдек баҳраманд ҳам бўлаяпмиз.

Ҳа, туман газчилари меҳнат машаққатларини бирга тортганларидек байрам тантаналарини ҳам ҳамкасблари, оила аъзолари билан биргаликда ўз боғларида баҳам кўришар экан. Уларнинг ҳамжиҳатликларига ҳавас қилса арзийди.

М. ҚОСИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Улуғбек мадрасаси кўҳна Бухоронинг бутун оламга машҳур тарихий ёдгорликлари шодаси ичра алоҳида ўрин тутади. Темурийлар даври меъморчилиги дурдонаси бўлган бу обида қачон қурилган?

... Соҳибқирон Амир Темур 1405 йилда тўсатдан вафот этгандан кейин беш йилдан кўпроқ давом этган тожтахт учун кураш ортда қолди. Унинг севимли набираси Улуғбек Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлди. Янги тождор мамлакатни идора қилишга киришар экан, буюк бобоси авлодларга нақадар улуғ салтанат, бебаҳо маданий-маърифий бойлик мерос қолдирганини теран ҳис этди. Самарқанддаги нилий гумбазлари кўк тоқига чирмашган масжиду мадрасалар, мақбараларни, кўшку равоқлар ва обод бозорларни, шаҳар ташқарисидаги жаннатмакон боғларни кўриб бобосига ҳаваси келди. Ўзи ҳам шундай ишларга бош-қош бўлиш ниятини қалбига туйди.

Улуғбек бунёдкорликни раиятнинг дилига илму урфон, иймон-эътиқод, инсофу диёнат уруғини сочувчи мадрасалар қуришдан бошлади. Шундай мадрасалардан аввалгисини Бухорои Шарифда қурдурурмен, деган ўй ўтди кўнглидан.

Мадраса қурилиши исфаҳонлик машҳур меъмор Исмоилга топширилади. Улуғбекни нафақат адолатли ҳукмдор, балки Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифни дилга жо айлаб, дунёвий илмлар, айниқса тарих, фалакиёт, меъморчиликка зўр меҳр қўйган беназир инсон деб билган уста

қурилажак мадраса унинг номига, замонасига муносиб бўлиши кераклигини қалбан англаб, ишга ихлос билан киришади. Мадраса тархини чизар экан, қадимий меъморчилигимиз, айниқса Амир Темур даври меъморчилигининг энг яхши анъаналарини асос қилиб олади.

Устанинг ижодий изланишлари натижаси ўлароқ, мадраса тўғри тўртбурчак шаклда олд томони муҳташам пештоқли, масжид, дарсхона ва кутубхонадан иборат яхлит мажмуа тарзида қурилди. Толиби илмлар пештоқ орқали ўтиб, узун йўлак — миёнхонага киришар, миёнхонанинг бир томонидан масжидга, иккинчи томонидан дарсхонага ўтишар эди. Миёнхонанинг иккинчи қаватида эса кутубхона жойлашган. Мадраса ҳовлисида ҳам икки пештоқ



тавақаларига Улуғбек ўзи учун бир умр дастуриламал деб билган ва келажак авлодларни ҳам шунга даъват этган, Ҳадиси Шарифдан олинган қуйидаги калом ўйиб ёзилган.

«Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир...»

Ҳа, эзгуликнинг умри боқийдир. Улуғбек мадрасаси қурилганига 580 йил бўлди. Мустақилликка эришганимиздан кейин бу маърифат маскани ўзининг асл кўрки-тароватига эга бўлди, унга битилган даъват янада теранроқ янграй бошлади. Бугунги кунда бу даъват биз учун ғоят қадрлидир. Зеро, илм-маърифат, маданият ва юксак маънавият мамлакатимизда буюк бобокалонларимиз Амир Темур ва Улуғбек яратган давлатчилигимиз анъаналари асосида ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ.
(ЎзА).

ОЗОН ҚАТЛАМИ ДАХЛСИЗ БЎЛСИН

16 СЕНТЯБРЬ -- ХАЛҚАРО ОЗОН ҚАТЛАМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Инсон бутун умрини, тафаккурини, шуурини ва заковатини яхши ҳаёт кечириш учун сафарбар этиб келади. Аммо инсоният бу муваффақиятларга эришиш жараёнида маълум даражада табиат қонунларини бузди ва унга шикаст етказмоқда. Атмосфера ҳавоси ифлосланмоқда, қанчадан-қанча ўсимлик ва ҳайвонот турлари йўқолиб кетмоқда, денгизлар ўрнида чўлбиёбонлар ҳосил бўлмоқда, табиат ва унинг хомашё заҳиралари аёвсиз таланмоқда. Бизнинг бу қилмишларимиз фақат Ер юзига эмас, ҳатто коинотга ҳам таҳдид солмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай ёзади: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш -- ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир».

Ана шундай экологик хавфлардан бири -- атмосфера озон қатламининг камайиб кетаётганлиги ва айрим ўринларда озон туйнуги ҳосил бўлишидир.

Атмосферанинг озон қатлами -- қуёшнинг инсоният учун, умуман Ер юзидаги барча жонзот ва наботат олами учун заҳарли ва зарарли бўлган ультрабинафша нурларини «ушлаб» қоладиган тўсиқ ҳисобланади. Ер юзидан 15-40 км юқорида жойлашган бу қатлам сайёрамиздаги ҳаётни муҳофаза қилиб туради. Аммо кейинги ярим аср ичида инсоният атмосфера қатламини емирадиган кимёвий бирикмаларни ҳавога учириб, ўта нозик таби мувозанатга зарар етказмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, саноат ишлаб чиқаришида, музлатгич техникасида, ўт ўчиришда, сунъий иқлим ҳосил қилишда, электрон саноатида ишлатиладиган хлор ва бром каби кимёвий бирикмалар -- фреонлар атмосферанинг озон қатлами емирилишига сабаб бўлмоқда.

Халкидикадаги (Япония метеоролог агентлиги) озон бўйича комиссия аъзоси С. Чубачи маълумотига кўра, 1982 йили қўклам кезлари Антарктиканинг Сева станциясида бир неча кун давомида озон жуда сийраклашиб кетган. Аммо бунга дарҳол ишонишмади. Фақат 1985 йили Британия Антарктика экспедицияси Халлей станциясида озон қатлами кескин камайиб, баъзи жойларда озон туйнуги ҳосил бўлгани ва бу ҳодиса 1980 йилдан бери қузатиб келинаётганлигини маълум қилганликларидан кейин бунга ишонч ҳосил қилдилар.

1995 йили январь-март ойларида Шарқий Европадан Узоқ Шарққача бўлган кенгликда озон 15-20 % камайиб кетган. Айниқса, Сибирь осмонида озон 35 % гача камайган. Бундай ҳодисалар олимларни ҳам ўйлантириб қўймоқда, озон миқдори камайиб бораётгани бирор табиий ҳодиса (вулқоннинг отилиши) билан боғлиқдир, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, Арктикада озон қатлами камайишини инсон фаолияти билан боғлаш баъзи тортишувларга сабаб бўлмоқда. Ҳар икки ҳолда ҳам инсоният олдида атмосферанинг озон қатламини сақлаб қолиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Табиатда бундай ўзгаришларнинг олди олинмаса, фалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мутахассислар, олимлар энди тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам бир қанча мамлакатларнинг давлат органлари, халқаро ташкилотлар атмосферанинг озон қатламини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмоқдалар. 1985 йилда 147 мамлакат иштирокида Вена Конвенцияси қабул қилинди. Конвенция атмосферанинг озон қатламини ўз муҳофазасига олди. Икки йилдан сўнг Монреалда Вена Конвенциясига мувофиқ Протокол имзоланди. Бунга кўра, озонни емирувчи кимёвий бирикма ишлаб чиқариш ер юзида кескин қисқартирилиши керак. 1990 йилда Вена Конвенциясига қўшилган давлатлар вакиллари Лондон шаҳрида тўпланишиб, XXI асрда бу хатарли кимёвий бирикмалар ишлаб чиқаришни тўхтатишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 18 майда атмосферанинг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига ва Монреал Протоколига қўшилган Марказий Осиёдаги ҳозирча ягона давлатдир.

Аввало, бизнинг мамлакатда юқорида келтирилган озонни емирувчи кимёвий моддалар умуман ишлаб чиқарилмаслигини айтиб ўтиш керак, истеъмол учун эса четдан келтирилади. Ундан фойдаланиш масаласига келсак, ривожланган мамлакатларга нисбатан бизда анча кам. Масалан, ҳар йили киши бошига 3,3 кг. нормада фреон бирикмасидан фойдаланиш ҳозирча рухсат этилган. Ривожланган мамлакатларда бу 3-4 кг. ни ташкил этади, бизда эса 0,1 кг. дан ошмайди. Кейинги йилларда республикамизда озонни емирувчи моддалардан фойдаланиш камайиб бормоқда.

Шу йил 15-16 май кунлари Тошкентда иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар иштирокида ҳукуматлараро консультатив учрашув бўлиб ўтди. Учрашув Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Найробидаги Озон бўйича секретариат ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан уюштирилди.

Учрашувда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳукуматлари 1997 йил охиригача Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколини ратификация қилажакларини маълум қилдилар.

Содиқ МЎМИНОВ,
«Ўзбекистон экологик хабарномаси» журнали муҳаррири.

ЯНГИ ГИМНАЗИЯ

Қарши Давлат университети ҳузурида гимназия очилди.

Унга 6-7 ёшли 60 нафар бола танлов асосида қабул қилинди. Ўқувчиларга барча фанлар бўйича чуқур билим берилади. Машғулотларни ҳам танлов асосида қабул қилинган малакали ўқитувчилар ва университет олимлари олиб боради. Гимназияда мусиқа, тасвирий санъат каби йўналишлар бўйича болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга алоҳида эътибор берилади.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

ДУШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ватан туйғуси». 8.55 Болалар учун. «Омад юлдузи». 9.25 «Куй ва тасвир». 9.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қувноқ стартлар». 10.50 «Нима бўпти» лақабли бегемот». «Деҳқон — хўтикча». Мультфильмлар. 11.10 «Диёр». Тележурнал. 11.40 Болалар учун. «Менинг ёшим олтида». 12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти. 12.30 — 14.00 «Икки соҳил — икки тақдир». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Қўшиғим — жон қўшиғим». 18.35 «Она Туркистон». Р. Парфи. 19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сиёсат оламида». 21.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. Эркин Хушвақтов. «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.10 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги. 23.45 «Ахборот». 00.10 Гулбаҳор Сулаймонова концерти. 00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт-қитъаси». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.10 Кинонигоҳ. 22.00 «Кундалик». 22.10 «Бешинчи ўлчов». 22.25 «Спорт қитъаси». 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар. 20.40 «Шўр пешоналар». Қисқа метражли бадиий фильм. 21.25 «Теннис-клуб».

*

Россия давлат телевидениеси. 21.55 — 22.20

*

22.20 «Кругозор». Тележурнал. 22.50 — 23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. 19.30 «Дидар». 20.00 «Жаҳон». 20.20 «Авторейд». 20.30 «Спорт-тайм». 21.00 «Ракурс». 21.30 «Фаришстам». 22.05 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал. 22.50 «Урушларсиз дунё сари». 23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Гулбаҳор Сулаймонова концерти. 8.55 «Хурматталаб алвасти». Мультфильм. 9.05 Биржа ва банк хабарлари. 9.20 «Олам ва одам». 9.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Беназир санъаткор».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Адабиёт.

*

12.30 «Озод юрт қушиқлари». 12.00 Эркин Хушвақтов. «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 14.05 — 14.50 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Қуёшнинг кўз ёшлари». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Меҳрибонлик уйида». 18.45 «Европа таассуротлари». 19.05 Шарқ тароналари.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Нуқтаи назар». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Тўртинчи ҳокимият». 21.20 Жаҳон хотираси. «Ҳазрати Усмон қуръони». 21.30 «Мусиқий хазина». Содирхон наволари. 22.10 «Вазият». Публицистик кўрсатув. 22.25 Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига. «Адабиёт атомдан кучли». 22.55 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Феруза осмоннинг шайдосиман». 00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Палитра». 18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...» 19.10 «Олтин кент». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал. 20.30 «Ахборот». 21.00 «ХИФ». 21.20 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 7-серия. 23.15 Кундалик. 23.25 «Акс». 23.45 «ТВ плюс». 24.00 — 00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар. 20.40 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм (Испания).

*

Россия давлат телевидениеси. 22.15 — 22.35

*

22.35 «Рушана Султанова ракса тушади». Фильм-концерт. 23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мультқарусель».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборотдам олиш дастури. 20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 20.25 «Европа манзаралари». 20.50 «Очиқ дарс». 21.20 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.50 «Немис тўлқини». 22.25 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал. 23.10 «Ядросиз минтақа».Тошкент анжумани. 23.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Шарқ тароналари. 8.45 «Ҳамкорлик ришталари». 9.10 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Хива», «Асрлар гувоҳи». 9.40 Болалар учун. «Оқ рух».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Саҳна ҳаёти». Сирдарё вилоят театрининг артисти Тўла Қаноатов.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология. 11.00 Янги алифбони ўрганамиз. 11.30 Табиёт.

*

12.00 «Мусиқий хазина». Содирхон наволари. 12.40 «Момо ер». Бадиий фильм. 14.05 — 14.20 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Жасур бўлиш осонми?». Мультфильм. 18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...» 18.25 «Оламни асранг!» 18.45 Фольклор-этнографик ансамбларнинг «Зилол-97» телефестивали. 19.05 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ранглар жилоси». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 «Келин-куёв». Телешоу. 21.55 «Марказий Осиё»: Тинчлик ва барқарорлик сари». 22.25 «Театр артистлари куйлайдилар». 22.55 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Мулоқот». Бадиий-публицистик кўрсатув. 00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Мусиқий шарҳ». 18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият». 18.55 «Услуб». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин». 21.30 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.40 «Кинонигоҳ». 23.15 Кундалик. 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури. 21.05 «Асрлар оша». Бадиий фильм (Англия).

*

Россия давлат телевидениеси. 22.50 — 23.15

*

23.15 Эълонлар. 23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00. 22.30 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. 19.30 «Чашма». 20.00 «Спорт-лото». 20.10 «Ҳуқуқ ва бурч». 20.30 «Азизим». 21.00 «Нафосат гулшани». 21.35 «Автосалтанат». 21.45 «Эллада». 22.10 «Ҳаёт карвони». 22.35 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал. 23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Фольклор-этнографик ансамбларнинг «Зилол-97» телефестивали. 8.45 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.05 «Келин-куёв». Телешоу. 9.40 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Япон тили. 11.10 «Алифбо сабоқлари».

*

11.40 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». Телемусобақа. 12.05 «Театр артистлари куйлайдилар». 12.35 «Маҳтумқули». Бадиий фильм. 14.05 — 15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кучукча ва етти ғозча». Мультфильм. 18.20 «Истак бору, имконият-чи?» 18.45 «Ҳидоят сари». 19.05 Шарқ тароналари.
19.25, 20.25, 20.55, 23.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Юзма-юз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Инсон манфаатлари йўлида». 21.25 «Ором онлари». Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида. 22.05 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув. 22.25 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги. 22.55 «Газета саҳифаларида...» 23.10 «Шаҳар бедарвоза эмас...» 23.45 «Ахборот». 00.10 «Омад ғилдираги». Мусиқий дам олиш дастури. 01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама. 9.20 «Ҳайвонот дунёси». 9.40 «Туҳфа». 9.50 «Бу мунис лаҳзалар». 10.15 «Даллас». Телесериал. 11.05 «Соғинч». 11.30 — 13.10 «Видео-«О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бизнинг мактаб». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Бир жуфт кўшиқ». 19.00 «Билиб қўйган яхши». 19.10 «Сир».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бахтиёр Шаҳзода». Мультфильм. 18.20 «Авлод». Публицистик кўрсатув. 18.45 Мультолам. 19.05 Шарқ тароналари.
19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида). 20.15 Жаҳон спорти. 20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи. 21.30 «Довон ошаётганлар». Қамчиқ йўл қурувчилари ҳузурида. 2-кўрсатув. 22.00 Газета саҳифаларида...
22.15 Спорт дастури:
1. II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги. 2. Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. 3. Теннис. Дэвис Кубоги. Ўзбекистон — Филиппин.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
00.45 «Мусиқий саёҳат». 01.05 — 02.25 «Интиқом». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...» 9.15 «Дил дафтари». 9.30 «Ҳар лаҳзада қўшиқ». 9.40 «Бизнес ҳафта якунлари». 9.50 «Бокс, бокс, бокс». 10.05 «Сизлардан ишорат». 10.25 «Ривоят». 10.35 «Хуш келибсиз». 10.55 «Кинонигоҳ». 12.25 — 12.45 «7 дан 70 гача».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 Боланинг тили. 18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Табиат шифохонаси». 19.00 «Олтин кент». 19.10 «Дилором наволар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Умрбоқий». 20.30 «Ахборот». 21.00 «ТВ плюс театр». 21.20 «Глобус». 21.40 «Даллас». Телесериал. 22.30 «Интер-футбол». 22.50 Оҳанглар ва Эълонлар. 23.00 «Видео-«О». 00.45 — 00.55 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 18.05 «Дэвид Копперфилд мўъжизаси». 2-қисм.

*

Россия жамоат телевидениеси. 18.50 — 22.35

*

22.35 Эълонлар. 22.40 «Мусиқа ҳамма учун». 23.10 — 23.20 «Ургут жилолари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика». 9.20 Эълонлар. 9.25 «Шанба эртаги». 10.25 «Спектаклдан сўнг». 10.55 «Айбсиз деб топилсин». Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 13.15 «Корейс тилини ўрганамиз». 13.35— 14.20 «Учувчи шифокорлар». Бадиий фильм.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.50 «Шанба оқшомида». 20.00 «Биргаликда куйлайлик». 20.45 «Рақслар қанотида». 21.15 «Намастэ». 21.45 «Тақдирлар». 22.20 «Самодаги олмослар». Телесериал. 23.05 «Бу ажиб дунё». 23.20 «Хит-коллекция». 23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Довон ошаётганлар». Қамчиқ йўл қурувчилари ҳузурида. 2-кўрсатув. 11.30 «Қора ўқ». Бадиий фильм. 12.55 Шарқ тароналари. 13.15 «Армонли дунё». Маҳмуд Дўстматов. 13.40 — 14.40 «Болалигим — пошшолигим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Кузя учун уй». Мультфильм. 18.20 «Тасвирга кўчган кўнгил». Абдулҳақ Абдуллаев. 18.45 «Гулғунчалар». 19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. **19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.** 19.30 «Панорама» (рус тилида). 20.00 «Қишлоқ ҳаёти». 20.30 «Ҳафтанома». 21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури. 21.35 Теннис. Дэвис Кубоги. Ўзбекистон — Филиппин. 22.05 Телевизион миниатюралар театри. 22.35 «Назм ва наво». Муқимий лирикаси. «Аср муъжизаси» кинодастури. 23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари». 23.45 «Кино янгиликлари». 23.55 «КИМ». Бадиий фильм. 02.25 — 02.30 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили». 9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 9.30 «Табиат шифохонаси». 9.40 «Олтин кент». 9.50 «Дилором наволар». 10.05 «Бизнес-академия». 10.20 «Умрбоқий». 10.35 «ТВ плюс театр». 10.55 «Глобус». 11.15 «Даллас». Телесериал. 12.05 «Интер-футбол». 12.25 — 14.00 «Видео-«О».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
18.20 Мультипанорама. 18.40 «Турфа олам». 19.00 «Бари ҳазил». 19.10 Келгуси ҳафтада. 19.30 «Панорама». (рус тилида). 20.00 «Мусиқа салтанати». 20.30 «Ҳафтанома». 21.05 «Жараён». 21.20 «Даллас». Телесериал. 22.10 «Миллионлар ўйини». 22.45 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар». 23.00 «Видео-«О». 00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.10 — 23.00

*

23.00 Эълонлар. 23.05 — 23.30 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!». 9.30 «Парле ву франса?». 10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 11.30 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида). 11.40 Эълонлар. 11.45 «Киносалон». «Ёмонлик». 13.25 «Ракурс». 13.55 «Жонли сайёра». 14.15 «Оддий расмиятчилик». Бадиий фильм. 16.00 «Шу кунинг мавзуси». 16.15 Мультэкран. 16.35 «Сенинг вақтинг». 16.55 «English for children». Болалар учун инглиз тили.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам». 19.20 «Телеташриф». 19.40 «Иштирок этувчилар». 20.10 «Тошкент оқшомида». 20.40 «Шунчаки». Дам олиш дастури. 21.05 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари». 21.40 «Киносалон». «Бронкс эртаги». 23.30 «Мусиқий олимп». 23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Зардўзлар», «Нур соҳиблари». «Ўзбектелефильм» премьераси. 8.45 Юлдуз Абдуллаева куйлайди. 9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.00 «Ҳамроҳ». 10.20 «Таъзим». 10.40 «Нима учун?». 11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!» 11.30 «Умидли дунё». 11.50 «Дала ҳовли». Бадиий фильм. 13.15 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув. 13.40 — 15.25 ЎзТВ хазинасидан. Урдубодий. «Беш сўм»... Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 22.40

*

22.40 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси. 22.45 — 23.10

*

23.10 Эълонлар. 23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.50 «Шалом». 20.20 «02» тўлқинида. 20.35 «Компьютер-ревю». 20.50 «Америка президентлари». 21.20 «Интерспорт». 21.30 «Минг бир маслаҳат». 21.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.20 «Инспектор Ракка». Телесериал. 23.05 «Каталог». 23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъат ошёни». «Ўзбектелефильм» премьераси. 8.50 «Юзма-юз». 9.10 «Омад ғилдираги». Мусиқий дам олиш дастури.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оташзабон сухандон».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Умумий биология.

*

12.00 «Зумраша». Болалар учун ҳажвий киножурнал. 12.20 Еш ижрочилар концерти. 12.50 — 14.00 «Сайқал». Тележурнал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Сехрли сандиқ». Мультфильм. 18.20 «Ҳаёт чашмаси». 18.40 «Эл тинчлиги йўлида». 19.00 «Қалб гав

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МАНЗИЛИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

ATP Tour

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунги учрашувлардан биз ўзбекистонликлар учун энг муҳими, албатта Олег Огородов -- Андрей Столяров баҳси эди. Маълумки, ҳамюртимиз Огородов тасниф бўйича жаҳонда 117 ўринда бормоқда. Унинг рақиби Столяровнинг бу борадаги жойи 311-қаторда. Шундай бўлсада, Андрей маҳорат бобида Олегдан қолишмаслигини кўрсатиб, учрашувда 3/6, 6/3, 6/3 ҳисоб билан ғолиб чиқди.

Агарда Огородов -- Столяров ўйинини батафсил шарҳлайдиган бўлсак, кортда ютуқни нафақат жисмоний тайёргарлик, балки руҳий дадиллик, пишиқлик ҳам таъмин этиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз. Дастлабки бўлим 3/6 натижа билан ҳамюртимиз фойдасига тугади. Иккинчи бўлим бошида Столяров олдинга чиқиб олди. Таблога 3/1 рақами ёзилгач, муваффақиятсизликка учраётган Огородов асабийлаша бошлади. Енгилишига кўзи етди шекилли, ҳаракатларида совуққонлик авж олди. Бундан ўз вақтида фойдаланган меҳмон Андрей Столяров қаторма-қатор очколар тўплаб, ғалабага бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаб борди ва «Президент кубоги» мусобақасининг 1/4 (чорак) финалига чиқди.

Олег Огородов иккинчи бўлимдаги муваффақиятсизлиги туфайли асабийлашмаслиги зарур эди. Чунки дастлабки бўлим унинг устунлигида тугаганди. Умумий ҳисоб 1:1 бўлиб турган пайтда рақиблар ютиш ёки ютилмаслигини сезишмайди. Бундай пайтда ҳар бир спортчига метиндек мустаҳкам ирода ва руҳий чиниқиш катта наф келтириши мумкин.

Шундай қилиб Олег Огородовнинг мағлубияти билан тўртинчи бор ўтказилаётган «Президент Кубоги» мусобақасининг кортдаги баҳсларида юртдошларимиздан ҳеч кимга ўрин қолмади. Асосий босқичда қатнашган уч теннисчимиз ҳам енгилди.

11 сентябрнинг охирги учрашувида Евгений Кафельников исроиллик Велгрин Нирни енгишга муваффақ бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Кафельниковнинг шашти баланд. Ҳозирча у мусобақа қатнашчилари орасидан ўзига муносиб рақибни топганча йўқ. Кўп қатори Велгрин ҳам ўйин давомида ғалаба қилишдан кўра, мағлубиятга учраши аниқ бўлгандек, умидсизлик, ишончсизлик билан ҳаракат қилди. Биринчи бўлимни очколар ҳисобида жуда катта фарқ (6/1) билан бой берди. Иккинчи бўлим бошланиши билан олдинга чиқиб олди. Бироқ Кафельниковнинг аниқ ҳаракатлари, умуман хатога йўл қўймаслиги унга панд берди. Якуний натижа 6/1, 6/4 кўрсаткичга бориб тақалди.

Бу йилги «Президент кубоги» мусобақасида 12 сентябрга қадар 28 учрашув ўтказилди (саралаш ва жуфтлик ўйинларидан ташқари). Унда қатнашган 32 профессионал теннисчидан 16 нафари дастлабки ўйиндаёқ кейинги босқичга чиқишдан маҳрум бўлди. Кафельников, Столяров, Россе, Оразий, Клавет, Санчес, Спадеа, Хенменларнинг ҳар бири иккитадан ғалабага эришди. Велгрин, Огородов, Сантоподре, Каубек, Эрлих, Павел, Ран, Волковлар ҳисобида биттадан ютуқ бор. Томошевич, Каратти, Хойвергер, Тифер, Черкасов, Меринов, Сабо, Делгадо, Канас, Маҳкамов, Вайденфелд, Крослак, Кэмбел, Поци, Карлсен, Чампионлар бирор матга ҳам ғалабага эришолмади.

***

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МУСОБАҚАСИНИНГ ЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

12 сентябрь, 1997 йил.
Кафельников (Россия) — Столяров (Россия)

* * *

Россе (Швецария) — Оразий (Мароко)

* * *

Клавет (Исроил) — Санчез (Испания)

* * *

Спадеа (АҚШ) — Хенмен (Англия)

***

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Винкензо САНТОПОДРЕ: (Италия)

-- 8 ёшимдан буён теннис билан шуғулланаман. Профессионал теннисни бошлаганимга эса 7 йил бўлди. Мен учун энг муҳими, ҳамиша ғалаба қозониш. Бироқ спортчи барибир мағлубиятга учрашга мажбур. Ютилсам, қаттиқ азобланаман.

Мусобақа тугагач, Италия ва АҚШда ўтказиладиган ўйинларда ҳам қатнашиш ниятим бор. Тошкентда бугун мағлубиятга учрадим, бироқ бу ерга келганимдан хурсандман.

***

Евгений КАФЕЛЬНИКОВ



1974 йилнинг 18 февралида Россиянинг Сочи шаҳрида туғилган. Ҳозир ҳам шу ерда истиқомат қилади. Буйи 1 м. 90 см. Оғирлиги 81 кг.

Дунё профессионал теннисчилари ўртасидаги таснифи 3-ўрин.

Професионал теннис мусобақаларида 5 йилдан буён қатнашмоқда. Бу борадаги энг биринчи учрашувини Москвада ўтказган ва ғалабага эришган. Рогасклаги Челленжер баҳсида ғолиб бўлган.

1994 йилни шахсий ҳисобда ҳам, жуфтлик ҳисобида ҳам кучли 20 теннисчи қаторида якунлади.

Кафельников 1995 йил умрида биринчи марта Австралия очиқ чемпионатининг чорак финалига чиқиб, жаҳоннинг энг кучли, дея тан олинган 10 теннисчиси сафига қўшилди. Кетма-кет икки бор Дэвис Кубогининг финалида қатнашди. У россияликлардан биринчи бўлиб ПТА-тур жаҳон чемпионатларида иштирок этган. Франция очиқ чемпионатининг ғолиби.

Евгений Кафельниковнинг отаси Александр Кафельников институтда волейбол бўйича мураббийлик қилади. Онаси Валентина эса институтнинг баскетболчилар терма командасида ўйнаган. Мураббийси Анотолий Лепешин.

Теннисдан ташқари спортнинг футбол, хоккей, енгил атлетика турларига ҳам қизиқади.

1997 йил ПТА мусобақаларида 987 минг 792 доллар даромад қилди. Умумий фойдаси эса саккиз миллионга яқин.

Гамбург, Монреаль, Роттердам, Санкт-Петербург, Голле, Штутгарт, Париж, Москва, Ницца (Гамбург -- 1994) мусобақаларининг финалида қатнашган.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

● *ЯНГИ НАШР*

«ҲУҚУҚ»

Мамлакатимизда чоп этилаётган газеталарнинг сони яна бир нашрга кўпайди. Мустақиллик байрами арафасида «Ҳуқуқ» номли юридик ҳафтаноманинг нишона сони кўп минг сонли газетхонлар қўлига етиб борди. Очиғини айтганда, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари муассислик қилаётган бу нашр Истиқлол фарзанди сифатида дунёга келди. Зеро, газетанинг дебоча мақоласида айтилганидек, «ҳуқуқ» сўзининг лугавий маъноси эндиликда алоҳида шарҳланишга муҳтож эмас. Ҳуқуқ -- озод-ҳур Ватанда яшамоқ, ишламоқ, ўқимоқ, ғўзал орзу-умидларга етишиб, фаровон умргузаронлик қилмоқ демакдир».

Газетанинг 1- ва 2-бетларида юридик фанлари доктори Шуҳрат Рўзиназаровнинг «Ҳуқуқ ва матбуот» сарлавҳали мақоласи босилган. Унда қонунчилигимиз ривожи ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, ҳуқуқий ахборотлар тизими ҳақида батафсил фикрлар баён этилади. Шунингдек газетада «Нигоҳ», «Ўсмир ва қонун», «Назорат», «Юридик маслаҳатхона», «Криминал» рукнлари остида ўқувчиларни қизиқтирадиган ранг-баранг мақолалар эълон қилинган.

Умуман, хайрли ишга қўл урилди. Умид қиламизки, ҳуқуқий жамият барпо этиш, қонунларга амал қилиб яшашни халқнинг турмуш тарзига сингдириш учун кураш «Ҳуқуқ»даги ҳамкасбларимизнинг бош вазифасига айланиб қолади.

Э. БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

● *ҲОДИСА*

ДОҒДА ҚОЛГАН ТОВЛАМАЧИЛАР

Бу воқеа 6 сентябрь куни юз берди. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида истиқомат қилувчи, «Савоб-Мир» фирмаси филиали директори И. Ҳамроев «Хундай-Соната» русумли 23-37 ТНД рақамли автомашинасини Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида бошқариб боряётганди. «Халқлар дўстлиги» кўчасида уни номаълум шахслар тўхтатишади. Йўлтўсарлар машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган фирма бош директори А. Саидовни салондан судраб туширишади. «Дамас» русумли 83-40 ТНД рақамли автомашинага мажбуран ўтқазиб, номаълум томонга олиб кетишади.

Шундан сўнг, И. Ҳамроевнинг Тошкентдаги хизматхонасига бир неча бор қўнғироқ бўлади. Зўравонлар А. Саидовни озод қилиш эвазига «Хундай-Соната» автомобилини ҳамда 50 минг АҚШ доллари беришни талаб қилишади. Ички хизмат ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида товламачилар аниқланиб, ҳибсга олиндилар. А. Саидов соғ-саломат оиласи бағрига қайтди. Айни кунда йўлтўсарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлиб, тергов олиб борилмоқда.

Р.ҚОСИМОВ, милиция майори.

● *ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО*

ОДИЛ ҲУКМ

Бу чархи кажрафторда ҳар хил воқеалар, тасодиф ва кўнгилсизликлар кўп бўлган: падаркушлар, модаркушлар, жигаркушлар ҳақида эшитганмиз. Аммо ота ўғлини, ўз жигаридан бўлган зурриёдини қасддан ўлдириши воқеасини кимдир эшитган, кимдир йўқ.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Миробод туманидаги А. Фитрат кўчаси, 7 уйда яшовчи Саидусмон Болажонов уйида ўз ўртоғи билан улфатчилик қилади. Ичкиликнинг таъсири бора-бора ўз кучини кўрсатди. Ёнида ўтирган ўғлини турли баҳоналар билан ҳақоратлаб, ура кетди. Ўғли у деди, ота бу деди. Оддий жанжал уртўполонга айланди. Отаси ошхонага югуриб чиқади-да ошпичоқни олиб ўғлига ташланади. Шу пайтда кўзи қонга тўлган ота ҳеч нарсадан тап тортмасди. У ўз жигаргўшасини ҳам аяб ўтирмади. Қонини кўпиртирган ароқ уни жунбушга келтирди ва қўлидаги пичоғини икки бора ўғлига санчди.

Ўғил ерга қулаб тушди. Афсуски, зудликда етиб келган «Тез ёрдам» ҳам ҳеч нарсага улгуролмади. Зокир Болажонов воқеа содир бўлган жойда бу ҳаётдан мангуга кўз юмди.

Миробод туман суди одил ҳукм чиқарди. Иккинчи марта судланган Саидусмон Болажонов ўн йилга озодликдан маҳрум этилди.

О. МАТХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқарма бошлиғи, аддия катта маслаҳатчиси.
С. ЮСУПХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бўлим прокурори, 1-даражали юрист.

ХИСОМ ОРАЗИЙ:

ЎЗБЕКИСТОН -- МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ЮРТ

-- Хисом, Сизнинг теннисдаги шон-шуҳратингиз ҳаммага маълум. Сухбатимизни ана шу катта йўлнинг ибтидосидан бошласак.

-- Бажонидил. Ўзбек халқида «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ажойиб нақл бор экан. Бизда ҳам худди шу мазмундаги мақол қўлланилади. Айтмоқчиманки, қисматим ёруғ дунёга қадам қўйишим билан ҳал бўлган. Буни ҳеч қандай муболағаси йўқ. Чунки теннисга ёшлигимданоқ меҳрим тушган. Бунда, шубҳасиз, отамнинг тарбияси катта бўлган. У киши мамлакатимизда теннис бўйича етук мутахассис ҳисобланади. Шу сабабданми, уйимизга машҳур теннисчилар келиб туришарди. Ким билади дейсиз, ўшалар ҳам дуо қилган эканми, шундай тақдир насиб этди.

-- Ҳаётингиздан мамнунмисиз?

-- Бўлмасам-чи! Миллатнинг тимсолига, унинг спортдаги юлдузига айланиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

-- Биласизми, бундан икки йил муқаддам юртдошингиз Карим Алами «Президент кубоги» турнирида бош соврин соҳиби бўлган эди. Айтингчи, ҳозир мамлакатингизда қайси бирингизни кучли теннисчи деб билишади.

-- Очиғи, Каримнинг теннис оламида ўзига хос ўрни бор. Ўйин услубари ниҳоятда рангбаранг. У етарлича шон-шуҳрат ҳам қозона олди. Аммо Франция очиқ чемпионатидаги муваффақиятларимдан сўнг кучларимиз тенглашди десам, муболаға бўлмас.

-- Хисом, ўзбекистонлик мухлислар сизнинг кортга чиқишингизни сабрсизлик билан кутишган эди. Гарчи сиз учрашувда ғолиб чиққан бўлсангиз-да, биринчи сетда яхши ўйин кўрсата олмадингиз.

-- Тўғри. Ҳамма нарса кайфият билан боғлиқ экан. Мен дастлабки ўйинни бунчалик суст бошлайман, деб сира ўйламаган эдим. Устига устак, негадир асабийлашиб кетиб, сал бўлмаса ўйинни бой бериб қўяёздим. Аммо Стефан Кубек ҳам катта маҳорат кўрсатди. Натижада иккинчи сетдан бошлаб ўйин услубимни ўзгартиришга мажбур бўлдим. Кузатган бўлсангиз, мен дастлаб, тўпни баландлатиб оширган бўлсам, иккинчи сетда ўртача тезлик билан тўпни пастлатиб ошира бошладим. Бу Стефан учун жуда оғир бўлди.

-- Менимча, Атлантада ўтказилган Олимпиада ўйинларини узоқ вақт эслаб юрсангиз керак. Негаки, ўшанда зафарли юришингизни машҳур Марк Россе «тўхтатиб» қолган эди. Тақдир Сизни ушбу турнирда яна Россега рўбару қилди.

-- Ха... Нима ҳам дермиз. Аммо рақибим кучли йигирмаликда бўлганлигидан кўпчилик мухлислар саросимага тушаётган бўлса керак, деб ўйлашган бўлса, қаттиқ адашишади. Тўғри, Россенинг ўйинлари чегара билмайди. У катта теннисчининг беқиёс ҳадисини олган. Бироқ гапнинг дангалини айтсам, мен «Президент кубоги»нинг кучли юлдузларидан бири, деб ҳисобланаётган Россега қарши кортга тушаётганимдан жуда-жуда хурсандман. Чунки унга қарши чиройли ўйин кўрсатишни дилимга тугиб қўйганман. Менимча, бу ўйин ҳаётимдаги энг қувончли дамлар бўлиб қолса керак.

-- Билишимча, Ўзбекистонга илк бор келишингиз экан. Таассуротлар қандай?

-- Аввало, ниятим амалга ошганидан хурсандман. Негаки, Ўзбекистон -- мен орзу қилган юрт. Мамлакатингиз билан танишиш, унинг бутун шакл-шамойили-ю оройишларини ўз кўзим билан кўришни ният қилиб юрардим. Бундан икки йилча аввал дўстим Карим Алами ҳам юртингиз ҳақида гапириб, Ўзбекистон у учун мўъжизалар мамлакати бўлиб қолганлигини айтган эди. Бунга Тошкентга келиб, тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Биласизми, мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо, лоф қилаяпти деб, ўйламангу Ўзбекистонда ўзга юртларда топмаган меҳр-муҳаббатни, одамгарчиликни кўрдим.

Шунинг учун бўлса керак, мени кўпроқ ўзбекларнинг самимийлиги, оқ кўнгиллилиги ҳайратлантирди. Тошкентнинг кенг кўчалари, сўлим табиати хотирамга бир умрлик бўлиб муҳрланиб қолди.

«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.

КУЛИБ ЯШАНГ, КОМИЛАХОН!

...Даҳлизда беморлар тирбанд. Кўпчилиги аёллар. Ҳаммасининг қиёфаси сўлғин. Асаблари таранг. Бирров-бирови билан гаплашмайди. Бир оғиз сўз ортиқча. Шифокор қабулига ҳам жимгина киришади. «Менинг навбатим!», «Сиз сабр қилинг!» деган тортишиш йўқ...

Кейин ичкаридан чиқаётган беморлар чеҳраларига назар ташланг. Оёқ олишлари илдам, қиёфалари нурли. «Раҳмат, дўхтир!», «Қизим, қўлинг дард кўрмасин!» деган миннатдорчилик, раҳматларни эшитасиз...

Хоразм вилоят I- марказий касалхонаси функционал ташхис бўлими мудираси, олий тоифадаги шифокор Комилахон Жуманиёзованинг қабулида атиги ярим соат бўлиб, ана шу манзарага кўзингиз тушади.

Экологик носозлик туфайли аҳоли ўртасида турли хасталиклар, асосан буйрак, жигар, ўт халтаси тоши касаллиги кўпайиши аксар беморларни шу даргоҳга умид билан келтиради. Комилахоннинг ширин сўзи, енгил қўли, билимтажрибаси ҳар қандай асабий беморни ҳам бефарқ қолдирмайди. Бир оғиз ширин сўз билан кўнглига умид учқунлари солса, бенуқсон ташхис қўйиши ва муомала қилиши билан одамга иккинчи умр бахшида этади...

Комилахон ўн йилки довруғи воҳадан узоқларга кетган бўлим раҳбари. Бу даврда неча минглаб беморларни оғир хасталиклардан халос қилди экан?.. Ўн мингдир? Кўпроқдир.

Айни пайтда изланувчан шифокор илмий иш устида ҳам қунт билан иш олиб бормоқда. Илмий иши мавзуси -- «Вирусли сариқ касаллиги ва ҳомиладорлик». Яъни, хаста аёлларга шифо бағишлаш. Соғлом авлод яратиш қайғуси...

-- Истиқлол туфайли шифокорларнинг меҳнатлари осонлашди,-- дейди Комилахон. -- Ҳозирда бўлимимизда ультратовуш йўли билан касалликларни осон ва юз фоиз аниқ топадиган бир қатор замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Тажрибали тиббиёт ходимларига эгамиз.

Кулиб яшанг ва бу табассумни хаста қалбларга ҳам улашинг, Комилахон!

Рўзимбой ҲАСАН журналист.
Суратда: Комилахон Жуманиёзова.

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Байналмилал маданият марказида машҳур қозоқ адиби Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Анжуманни мазкур марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Қозоқ миллий маданий маркази ташкил этди.

Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошқарди. Таниқли ўзбек ва қозоқ адиблари, Мухтор Авезовнинг шогирдлари устоз серқирра ижодининг қозоқ ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида гапирдилар, адиб ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар.

Кечада Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умарзоқ Ўзбеков қатнашди.

(ЎзА).

ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1. "ДЭУ" видеоаппаратлари.
2. "ДЭУ" мусиқа маркази.
3. Аудио ва автомагнитолалар.
4. Видеокамера "PANASONIC 3000, 3500".
5. Телефон аппаратлари (кн. ва диск).
6. "САМСУНГ" ёзув машинкалари.
7. Телефакс "PANASONIC-180".
8. "CANON-530, 300" ксерокси.
9. Картриж ва тонерлар.
10. "СИТИЗЕН" калкуляторлари.
11. 4-комф. Газплиталари (Россия)
12. Огнетушител ва ёнғин мосламаси.
13. Линолеум (Оҳангарон).
14. Ҳар хил қулфлар (Россия).
15. Битум ва рубероид.
16. Электрорадиаторлар 10-12 секц.
17. Электродвигатель ва подшипниклар.
18. Юмшоқ мебель ва стенкалар.
19. Офис мебели. 1- ва 2- тумб. Стол.
20. Китоб жавони ва полкалари.
21. Я/юмшоқ ва металл стуллар.
22. Факс қоғоз ва пласт конверт.
23. Бизнес сумка ва ён дафтари.
24. Стол приборлари, ёзув қоғози.
25. Ҳар хил папкалар.
26. Концелярия дафтари ва ручка.

Телефонлар: 79-47-74, 74-19-53, 79-47-73.
Факс: 79-24-21.

КАТТА ЮТУҚЛАР САРИ ҚАДАМ

«Асака банк» ҳамда Оврўпа Ривожланиш ва Тараққиёт Банки

ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ дастурини тақдим этади

КРЕДИТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

Кредит олувчи: Ўзбекистон Республикаси резиденти
- давлат секторининг улуши, 50%дан кам бўлиши керак,
- хусусий капиталнинг улуши лойиҳа қийматининг 25%ини ташкил қилади
Кредит миқдори: 100.000дан 5.000.000 АҚШ долл.
Муддати: максимал 7 йил, унга 2 йил имтиёзли давр киради.
Фоиз ставкаси: лойиҳанинг хавф-хатарига қараб белгиланади.
Кредитнинг таъминланганлиги: гаров кредит суммасининг 120%ини ташкил қилади.

БУ ҚАДАМНИ "АСАКА-БАНК" БИЛАН БИРГА ТАШЛАЙЛИК

Оврўпа Ривожланиш ва Тараққиёт Банки

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Ўзбекистон, 700015, Тошкент ш., "Нукус" кўчаси, 67.
Телефонлар: (3712) 555186, 554990, 557838;
ички тел.: 148, 149, 150, 151.

ASAKA BANK

Эркаклар бақувват бўлиши керак

СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

Ижтимоий таъминот вазирлиги Самарқанд вилояти ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи **Фароғат ШУКУРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Кўптармоқли ишлабчиқариш тижорат «Шоҳ-Бобур» фирмаси жамоаси фирма бош ҳисобчиси **Ориф РАҲИМБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзматбаа-таъминот» республика корхонаси жамоаси маъсул ходим Н. Тўрахоновага падари бузруквори **Саидмурод ота ТЎЛАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хатлар 136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўст.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6